

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ВАЛИЕВА ЗУЛФИЯ ФАХРИТДИНОВНА

**ЖУН ТОЛАЛАРНИ СИФАТ ХОССАЛАРИНИ АНИҚЛАШ УСУЛИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.06.01-Тўқимачилик ва енгил саноат ишлаб чиқаришлари материалшунослиги

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Ташкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам
Contents of dissertation for doctor of philosophy (PhD)
in technical science**

Валиева Зульфия Фахритдиновна Жун толасининг хусусиятини аниқлаш услубини такомиллаштириш.....	3
Валиева Зульфия Фахритдиновна Усовершенствованный метод для определения качественных характеристик шерстяного волокна.....	27
Valieva Zulfiya Fakhritdinovna Improved method for determining the quality characteristics of wool fibers.....	51
Список опубликованных работ Эълон қилинган ишлар рўйхати List of published works.....	55

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ВАЛИЕВА ЗУЛФИЯ ФАХРИТДИНОВНА

**ЖУН ТОЛАЛАРНИ СИФАТ ХОССАЛАРИНИ АНИҚЛАШ
УСУЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.06.01-Тўқимачилик ва енгил саноат ишлаб чиқаришлари материалшунослиги

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Ташкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссиясида В2021.2.PhD/T2303 рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.titli.uz) ва “Ziyonet” ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аҳмедов Акмал

техника фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Муқимов Мирабзал Мираюбович

техника фанлари доктори, профессор

Бобожонов Хусан Тохирович

техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон табиий тоғалар илмий тадқиқот
институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.08.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “16” декабрь соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент ш., Шоҳжаҳон-5, тел: (+99871)253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№118-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент ш., Шоҳжаҳон-5, тел: (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Диссертация автореферати 2021 йил “2” декабрь кўни тарқатилди.
(2021 йил “2” декабрь 118-рақамли реестр бўендомаси)



И.К.Сабиров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д.

А.З.Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

И.А.Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, т.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тўқимачилик материалларини қайта ишлашнинг янги технологияларини жорий этиш орқали тўқимачилик маҳсулотлари сифатини ошириш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида пахта – 67%, кимёвий толалар ишлаб чиқариш – 20%, жун – 10%, зиғир – 1,6% ва бошқалар – 1,4%ни ташкил этади. Тўқимачилик саноатининг жадал ривожланишига ҳисса қўшаётган етакчи ҳудудлар куйидагилардир: Шарқий Осиё, Жанубий Осиё, МДХ, Европа ва АҚШ ¹. Жунни дастлабки қайта ишлаш корхоналари жун толасидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан жунни дастлабки қайта ишлаш жараёнида содир бўладиган технологик жараёнларни, айниқса, майин ва дағал жунни саралаш муаммоларини ўрганиш ва такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда жунни қайта ишлаш саноати учун илм-фан ва техниканинг замонавий ютуқларидан самарали фойдаланишни таъминловчи инновацион техника ва технологияларни ишлаб чиқиш, жун толасини саралашда энг муҳим кўрсаткичларини аниқлашнинг тезкор қурилмаларини ва услубларини ишлаб чиқиш, мавжудларини модернизация қилиш ва такомиллаштириш, табиий хомашёлардан оқилона фойдаланиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, хомашё сифат кўрсаткичларини аниқлашда такомиллаштирилган услуб ва ўлчов воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, дастлабки қайта ишлаш ва хомашёни тайёрлаш жараёнларини тўғри ташкил этган ҳолда юқори сифатли жун маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, уларинг илмий асосларни ишлаб чиқиш, хом ашёни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳасидаги тавсияларни асослаш, жун толасини саралашдан кейин сифат кўрсаткичларини аниқлашнинг ишончлилик эҳтимоллигини таъминлаш, хоссаларини баҳолашнинг тегишли усулларини янада илғор синов қурилмаларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга қаратилган илмий изланишлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Республикамизда ҳозирги вақтда жун саноатида хомашё таннархининг салмоғи юқори бўлганлиги сабабли жундан оқилона ва тежамкор фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Жуннинг сифат кўрсаткичлари дастлабки қайта ишлаш саноати талабларига мос келмаслиги натижасида тола чиқиши пасайиш тенденцияси кузатилмоқда. Ушбу вазиятдан келиб чиқиб, йигириш, тўқиш ва пардозлаш технологик жараёнларининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида илғор синов қурилмаларини яратиш ва модернизация қилиш, ҳамда унинг хоссаларини баҳолашнинг тегишли усулларини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва модернизация қилишга қаратилган илмий изланишлар юқори аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда маҳаллий табиий ва кимёвий толалар аралашмасидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда алоҳида эътибор қаратилмоқда, шу боис

¹ <https://geographyofrussia.com/legkaya-promyshlennost-mira>

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга қаратилган янги, илмий жиҳатдан асосланган технологиялар ишлаб чиқарилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан... “маҳаллий хом-ашёлардан рақобатбардош маҳсулотларни янги турларини ишлаб чиқаришда техника-технологияларни такомиллаштириш энг муҳим деб белгилаб қўйилган” вазифаси белгилаб берилди. Ушбу вазифаларни ҳал қилишда, жумладан Янги таркибли нотўқима матоларнинг сифат кўрсаткичларини баҳолаш услубини такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим ўрин тутади².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги ПФ-6059-сон «Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сон “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, 2018 йил 3 майдаги ПҚ-3693-сон “Чарм-пойабзал ва мўйна тармоқларининг экспорт салоҳиятини ўсиши ва кейинги ривожланишини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғриси”даги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июлдаги 397-сон “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши бўйича тадқиқотлар фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналишига мос келади.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. саноатида юқори сифатли жун маҳсулотлари ишлаб чиқаришда хом ашёни дастлабки қайта ишлаш соҳасидаги муаммолар, жун толалари кўрсаткичлари ва уларнинг ишлаб чиқарилган жун ипнинг физик-механик хоссаларига таъсирини ўрганиш, ишлаб чиқариш тамойиллари, турли ўлчов воситаларини ишлаб чиқиш, яратиш ва жорий этиш билан етакчи хорижий олимлар шуғулланган, жумладан жун саноати соҳасида метрологик тадқиқотлар D.J.Cottle, В.Р.Вахтерb ва бошқалар томонидан олиб борилган, ингичкалигини ўлчаш усуллари ва муаммолари, шунингдек, уларнинг хатоларини аниқлаш Н.К.Тимошенко, Н.Т.Разгонов, Л.С.Горбунова, Н.В.Рогачев, Л.Г.Василев, В.М.Колдоев, Г.М.Григориева, Л.Е.Денискина, Е.Л.Пексташева, В.И.Трухачев ва В.А.Мороз ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Ўзбекистон Республикасида жун толасининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш ва жун толасидан рақобатбардош жун ипларини ишлаб чиқариш борасида Х.А.Алимова, А.Ахмедов, М.Кулметов, А.М.Резник, Х.Х.Исломов,

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сон Фармони

Ш.Ш.Марасулов, Х.З.Исматуллаева, С.А.Юсупов, Д.Собиров ва бошқалар тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Жунни саралашда энг муҳим кўрсаткич толанинг ўртача диаметри (йўғонлиги) бўлиб, бу унинг йигириш қобилятини баҳолашнинг асосий мезони бўлиб, нархларни белгилашда қўлланилади. Маҳаллий жун толасини саралаш ва таснифлашни ўлчаш жараёнларининг сифати ва фойдаланилаётган ўлчов воситаларининг тўғрилигига боғлиқ бўлган хомашёдан оқилона фойдаланишни, йигириш, тўқиш ва пардозлаш технологик жараёнларининг барқарор боришини таъминлайди. Шу муносабат билан жун толаларининг ўртача диаметри (йўғонлиги)ни аниқ, тез, объектив аниқлаш ва уни хоссаларини баҳолашнинг тегишли усулларини янада илғор синов қурилмаларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга қаратилган илмий изланишлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-15-115 “Маҳаллий жун толаларининг хусусиятларини тадқиқи асосида уларни узунлиги ҳамда йўғонлиги бўйича саралаш ва ип йигиришга тайёрлаш технологиясини яратиш” мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жун толасининг диаметри (ингичкалиги)ни ўлчаш усулини, шунингдек, уни тўғри ва ўз вақтида таснифлаш усулларини такомиллаштириш орқали уларнинг сифат кўрсаткичларини аниқ ва ишончли аниқланишини таъминлашдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тули хил зотдаги қўйларда жун толасининг ингичкалиги ва узунлигини стандарт усуллардан фойдаланган ҳолда ва акустик мослама ёрдамида ўртача диаметрини аниқлаш;

жун толаларининг ингичкалиги, узунлиги ва бурамдорлиги ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш;

жун толаларининг намлиги ва геометрик хусусиятларини (диаметри, оғирлиги) ПАМ-1 акустик қурилмасида товуш тебранишларининг ўтишига таъсирини баҳолаш;

акустик қурилмадан фойдаланган ҳолда рационал параметрларни танлаш учун тўлиқ омилли тажриба ўтказиш;

қурилманинг ўлчаш камерасининг геометрик параметрлари ва олинган намуналар оғирлигининг ўзгаришини ўрганиш орқали жун толаларининг ўртача диаметрини аниқлаш усулини такомиллаштириш;

жун толасининг сифат хусусиятларини назорат қилиш учун янги турдаги акустик қурилмани жорий этиш орқали ишнинг рентабеллигини аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида жун толаларининг ўртача диаметри ва бурамдорлиги аниқлаш учун микроскоп, жун толаларининг узунлигини аниқлаш учун тароқли анализатор ва жуннинг ингичкалигини аниқлаш учун ПАМ-1 акустик қурилмаси олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида турли зотдаги қўйларнинг жун толалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда жун толасининг сифатини баҳолаш учун назарий ва амалий механика, экспериментал, комплекс баҳолаш, математик статистиканинг тажрибаларини режалаштириш, кичик квадратлар, тадқиқот натижаларини қайта ишлаш ва таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жун толаси намуналарининг диаметри, намлиги, массасининг ўзгариши ҳисобига товуш тебранишларини ўтишига боғлиқлиги аниқланган ва акустик қурилманинг ишчи камерасининг диаметри, баландлиги ҳамда намуналар намлиги ва оғирлиги бўйича рационал параметрлари ишлаб чиқилган;

намунанинг ғоваклиги ва толанинг узунлигини инобатга олган ҳолда акустик қурилмада товуш тебранишларини сўниб бориш коэффициентининг жун толаси диаметри билан функционал боғлиқлиги аниқланган;

ПАМ-1 қурилмаининг ишчи камераси баландлиги, диаметри, намуна массаси ва намлигини ўзгартириш ҳисобига жун толасининг диаметрини аниқлаш усули такомиллаштирилган ва метрологик хусусиятлари аниқланган;

акустик қурилмасининг чиқиш сигнали қийматларини жуннинг ўртача диаметрини ифодаловчи микрометр бирликка айлантиришнинг ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жун толаси намуналарининг диаметри, намлиги, массасининг ўзгариши ҳисобига товуш тебранишларини ўтишига боғлиқлигига асосланган ҳолда жун толасининг диаметрини аниқлаш услуби такомиллаштирилган;

жун толасининг ўртача диаметрини аниқлашда акустик қурилмасида ишчи камерасининг баландлиги, диаметри, намлиги ва намуна массасининг ўзгариши ҳисобига келиб чиқадиган хатоликларнинг ишончлилиги эҳтимоллиги аниқланган;

товуш сигналларнинг чиқиш қийматларини ўзгартириш учун дастурий маҳсулот ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Диссертация ишида шакллантирилган илмий ҳолатлар, принциплар, хулосалар ва тавсиялар, назарий ва тажрибавий тадқиқотларга, апробация ва қўллаш натижаларининг ижобийлигига, шунингдек, натижаларни солиштириш, давлат стандарт талаблари, баҳолаш меъзонлари ва критерийларига кўра, уларнинг адекватлигига, ўтказилган тадқиқотларнинг ижобий натижалари ва кўриб чиқиладиган фан соҳасидаги маълумотлари билан қиёсий таҳлиliga кўра асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ПАМ-1 акустик қурилмаси ёрдамида жун толасининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш услуби ишлаб чиқилганлиги, жун толасининг ўртача диаметр кўрсаткичи ва чиқиш сигнал орасидаги функционал боғланишлари,

ўлчаш жараёнида келиб чиқадиган хатоликларни аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти жун толасининг диаметри экспресс усулда юқори аниқликда ва ишончлилиқ эҳтимоллилигида аниқланганлиги, шунингдек акустик курилмасининг чиқиш сигнали қийматларини жуннинг ўртача диаметрини ифодаловчи микрометр бирликка айлантиришнинг ҳисоблаш усули ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Олинган илмий натижалар асосида жун толасининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш усулини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

жун толасининг сифат кўрсаткичларини аниқлашнинг такомиллаштирилган услуби «Қоракўлчилик» уюшмаси таркибига кирувчи “Тинчилик” МЧЖ корхонасида амалиётга жорий қилинган. (Ўзбекистон Республикаси Қоракўлчилик бирлашмасининг 41/01-459-сонли маълумотномаси). Натижада жун толасининг ўртача диаметри аниқ ва ишончли баҳолаш таъминланди ва бир соатда синов ўтказиш учун ҳаражатлар 15,8% га камайиш имконияти яратилган;

жун толасининг сифат кўрсаткичларини аниқлашнинг такомиллаштирилган ПАМ-1 акустик курилмаси “Sochavskiy processing” масъулияти чекланган жамиятида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қоракўлчилик бирлашмасининг 41/01-459-сонли маълумотномаси). Натижада жун толасини сифат хоссаларини аниқлашга сарфланган вақт 25 мартага камайиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-техник ва илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинди. 2021 йилда ўтказилган “Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг энг яхши ўқитувчиси-2021” Ҳалқаро танловининг натижалари бўйича “Акустик курилмасининг ишчи камерасининг геометрик ўлчамларини жун толасининг ўртача диаметр қийматларига таъсири” номли ишланма III-даражали диплом билан тақдирланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий мақола чоп этилган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, жумладан 1 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда, Scopus халқаро илмий маълумотлар базасида 2 та мақола чоп этилган ва дастурий маҳсулот учун Ўзбекистон Республикасининг 1 та патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 4 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ишининг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи ва масалаларининг қўйилиши”** деб номланган **I бобида**, жун толаларини ишлаб чиқиш ва қайта ишлаш истикболлари таҳлили берилган, жун толаларининг таснифи ва навлари, сифат кўрсаткичларини аниқлаш учун турли хил модификациядаги қурилмаларнинг техник тавсифлари ва ишлаш принципи тавсифланган.

Натижада, жун ишлаб чиқариш ва сотишга тайёрлашнинг тегишли меъёрларда белгиланган технологик жараёнлари бугунги кунда мамлакатимиздаги кўпчилик чорвачилик хўжаликларида жорий этилмагани, бу эса жун сифатининг пасайишига олиб келиши муқаррарлиги аниқланди. Бир қатор хўжаликларда ювилмаган жунни таснифлаш амалга оширилмайди ва ювилмаган жун сифатлари диапазони "пўстлоқ, асосий, руне" га қисқартирилди. Жуннинг бегона аралашмалар билан ифлосланиши тобора кучайиб бормоқда.

Жаҳон амалиётида кўп йиллар давомида ювилмаган жунни сотишнинг асосий аукцион шаклида савдо бўлиб, ундан олдин сертификатлаш, шунингдек, намуналар бўйича жун сифатини визуал баҳолаш амалга оширилади. Бироқ, жунни бундай сертификатлаш Республикамизда кенг тарқалмаган.

Жунни сертификатсиз сотишнинг ўрнатилган амалиёти пировардида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва қайта ишловчиларнинг сезиларли даромад йўқотишига олиб келади. Муаммонинг иккинчи жиҳати шундаки, жун каби хомашёни сертификатлаш фақат ўлчов воситаларини (СИ) ва ўлчаш техникасини тегишли метрологик қўллаб-қувватлаш билан амалга оширилиши мумкин. Ўлчовларнинг метрологик таъминланиши ва жун хомашёсини сертификатлаш ўлчовлар сифатига қўйиладиган талабларга қатъий риоя қилишдан иборат. Маълумки, ўлчовларнинг сифати умуман олганда, хусусан, жун хомашёсининг сифати уларнинг бирлиги, аниқлиги, ишончлилиги, яқинлашиши ва олинган натижаларнинг такрорланиши, шунингдек, рухсат этилган хатонинг қиймати билан тавсифланади. Бу жун толасининг асосий сифат кўрсаткичи-йўғонлиги (ўртача диаметр)ни аниқ, ишончли аниқлаш усуллари ва ўлчов воситаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича назарий ва экспериментал тадқиқотлар зарурлигини кўрсатади.

Илмий манбаларни таҳлил қилиш асосида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб берилди.

Диссертациянинг **“Тадқиёт объекти ва синаш усуллари”** деб номланган **II бобида** “ПАМ-1” акустик қурилмаининг ишлаш принципи, жун толаларининг бурамдорлиги ва геометрик хусусиятларини аниқлаш усули,

синов натижаларини қонунлар асосида баҳолаш ўрганилган. Жун толаларининг йўғонлигини аниқлаш учун ГОСТ 20576-88 бўйича танланган намуналар синовдан олдин ГОСТ 10681-75 талабларига мувофиқ нормал атмосфера шароитида сақланади. Толанинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш учун ПАМ-1 акустик қурилмаининг умумий кўриниши 1-расмда кўрсатилган.

ПАМ-1 акустик қурилмаининг ишлаш принципи қуйидагича: генератор ва эмитент томонидан қўзғатилган товуш тебранишлари синов намунаси жойлаштирилган қурилманинг иш камерасига йўналтирилади. Намунадан ўтайдиган товуш тўлқинлари пистон ичига ўрнатилган микрофон ёрдамида электр сигналига айланади. Чикиш сигналининг қиймати ўлчов ва дисплей бирлиги билан ўлчанадиган товуш тебранишларининг босим амплитудасига мутаносибдир.



1-расм. ПАМ-1 акустик қурилмаи

Диссертациянинг **“Жун толасининг сифатини аниқлаш услубини такомиллаштириш ва баҳолаш”** деб номланган **III бобида**, жун толасининг диаметрини ўлчаш усулини такомиллаштириш, ўлчов камерасининг геометрик ўлчамларининг акустик қурилмадаги жун толасининг йўғонлигини таъсирини аниқлаш, намуна массасининг таъсири яхшилаш бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Тажрибани математик режалаштириш усулида жун тола параметрлари ва товуш сигналининг ўтиши ўртасидаги боғлиқлик, товуш тебранишларининг сусайиши тўлқини ва жун толаларининг диаметри ва уларнинг параметрлари ўртасидаги боғлиқлик аниқланган.

Толаларнинг узунлиги ва қалинлиги улардан ишлаб чиқарилган ипнинг хусусиятларига таъсир қилади. Маҳсулотнинг мустаҳкамлиги ва қалинлиги ипларнинг қалинлигига боғлиқ. Ингичкароқ ип ўз хоссаларида нотекисроқ бўлади, тарашда у янада чигаллашади, тугунлар, бўлаклар ҳосил қилади, бу эса сифати ва ташқи кўринишининг ёмонлашишига олиб келади.


Маълумки, ГОСТ 30702-2000 стандарти бўйича ўртача диаметр (ингичкалик коди) деб аталадиган жун толаларининг кўндаланг кесимининг ўлчами ва унинг нотекислиги стандартлардаги сифат градациясини белгилайдиган асосий кўрсаткичлардир: бир турли жун сифати ёки нотекис жун нави. Турли зотли қўйлардан олинган жун толаларининг геометрик (узунлиги, ингичкалиги) хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган синов натижалари 1-жадвалда келтирилган.

Жун толаларнинг ингичкалик ва узунлик кўрсаткичлари

№ т/р	Кўрсаткичлар номи	Жун толасининг намуналари		
		Ҳисор	Қоракўл	Ҳисор
1.	Ўртача оғирликдаги узунлик, мм	48	53,6	66,1
2.	Модаль узунлик, мм	55	58,4	65
3.	Штапель узунлик, мм	70	65,1	81
4.	Узунлиги бўйича ўртача квадратик оғиши, мм	3,52	3,50	3,22
5.	Узунлик бўйича вариация коэффициенти, %	7,3	6,5	4,8
6.	Ўртача диаметр диаметр, мкм	29	33	44
7.	Йўғонлиги бўйича ўртача квадратик оғиши, мкм	11	17	18
8.	Йўғонлиги бўйича вариация коэффициенти, %	37,9	51,5	40,9

Натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, ўрганилган учта жун толаси намунаси ичида энг кўпол толаси маҳаллий зотли жун бўлиб, унинг ўртача диаметри қўйларнинг Ҳисор зотига қараганда 34%, қоракўл зотига қараганда 25% катта. Ҳисор зотли жун толалари учун йўғонликнинг ўзгарувчанлик коэффициенти энг кичик қийматга эга бўлиб, 37,9% ни ташкил этади, бу қоракўл зотига нисбатан 13,6%, маҳаллий жунга нисбатан 3% кам. Бундан ташқари, жун толалари узунлигининг синфлар бўйича тақсимланиши графиги таҳлил қилинди (1-расм).

Узунлик бўйлаб толаларнинг тақсимланиш графиги жун толаларининг узунлиги ва узунлиги бўйлаб нотекистикнинг визуал тасвирини беради. Демак, диаграммада кўрсатилгандек, узунлиги 20 мм гача бўлган энг калта момик толалар Ҳисор жун намунасида кўпроқ учрайди. Унинг таркибида узунлиги 120 мм ёки ундан ортиқ бўлган толалар мавжуд - булар жуда дағал толалар, аммо ундаги ингичка толалар камроқ.



1-расм. Жун толасининг синфи бўйича узунлигининг тақсимланиш графиги.

Ҳисор зотидаги модал узунлик кўрсаткичлари қоракўл зотлиниқидан 2,3% юқори ва маҳаллий зотлидан 8% кам. Ҳисор зотининг штапель узунлиги қоракўл зотлиниқидан 0,4%, маҳаллий зотлиниқидан 20% кам.

Хуллас, маҳаллий жунида узунлиги 20 мм гача бўлган толалар Ҳисор зотиға қараганда 44%, қоракўл зотиға қараганда 39,9% кам. Ҳисор зоти учун узунликнинг ўзгарувчанлик коэффициентини 7,9% ни ташкил этади, бу қоракўл зотлиниқидан 1,4%, маҳаллий зотлиниқидан 3,1% га кўпдир.

Танланган зотларнинг жун толаларининг йўғонлиги ва дағаллигининг билвосита хусусиятлари ҳам ПАМ-1 акустик қурилмаси ёрдамида аниқланган. ПАМ-1 акустик қурилмаси пахта хомашёси ва пахта толасининг навини экспресс усулда аниқлаш учун мўлжалланган. Усул толаларнинг йўғонлиги ва дағаллигини баҳолашнинг билвосита усули ҳисобланади.

Экспресс усулда ПАМ-1 қурилмасида жун толаларини баҳолаш учун экспериментал тадқиқотлар ўтказилди. ПАМ-1 қурилмаси ёрдамида жун толалар орқали товуш импульси сигналларининг ўтишини аниқлаш натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Жун толасининг йўғонлигини акустик услубда аниқлаш

№ т/р	Кўй зотларининг тури	Қурилманинг кўрсатиши, мВ			Ўртача қиймат
		1 вариант	2 вариант	3 вариант	
1	Ҳисор	664	664	664	664
2	Қоракул	1285	1282	1282	1283
3	Маҳаллий	1517	1517	1517	1517

Олинган натижалардан кўриниб турибдики, товуш сигналини узатишнинг энг кичик қиймати ҳисор жун намунасида эканлиги аниқланди. Қоракўл ва маҳаллий жунниқидан мос равишда 48% ва 56% камроқ, бу қурилма камерасидаги толаларнинг юқори зичлиги билан изоҳланади. Бундан ташқари, Ҳисор жуни энг кичик диаметрга эга бўлиб, ингичкалиги бўйича нотекислиги кам ва таркибида қисқа толалар мавжудлиги, ишчи камерада кучли зичланиш содир бўлиб, товушнинг ўтишига тўсқинлик қилади.

Бурамдорлиги жуннинг қимматли белгиси бўлиб, жунни механик аралашмалар ва ёғингарчиликлардан ҳимоя қилишга ёрдам беради. Қўйларни навларга ажратиш ва жунни навларга ажратишда ҳисобга олинади.

Жун толаларининг бурамдорлигини аниқлаш учун тадқиқотлар олиб борилди. Бунинг учун жун толаларининг диаметри ва узунлиги кўрсаткичлари бўйича бурамдорлиги кўрсаткичларининг ўзгариши аниқланди. Тадқиқот натижалари 3-жадвалда келтирилган. Тадқиқот натижаларига кўра, толанинг диаметри катталашганда, бурамдорлигининг камайганлигини кўриш мумкин. Ҳисор зотли жун толаларида 10 тадан 2 тагача, қоракўл зотли жун толаларида 7 тадан 1 тагача, маҳаллий зотли қўйларда эса 8 дан 1 гача.

3-жадвал

Турли қўй зотлари жун толасининг бурамдорлигининг ўзгариши

т/р	Ҳисор		Қорақул		Маҳаллий	
	Диаметр, мкм	1 см даги тола бурамдорлиги	Диаметр, мкм	1 см даги тола бурамдорлиги	Диаметр, мкм	1 см даги тола бурамдорлиги
1.	20-25	10	20-25	7	20-25	8
2.	25-30	8	25-30	6	25-30	7
3.	30-35	6	30-35	6	30-35	5
4.	35-40	6	35-40	5	35-40	3
5.	40-45	4	40-45	4	40-45	3
6.	45-50	4	45-50	2	45-50	2
7.	50-55	2	50-55	1	50-55	1

Кўриниб турибдики, жун толасининг диаметри катталашган сари бурамдорлиги камаяди ва аксинча, узунлик ортиши билан бурмадорлик кўрсаткичи ортади. Бундан ташқари, ҳисор зотли қўйларнинг жун толаларининг бурамбоблиги бўйича кўрсаткичи бошқа зотларга қараганда юқори экан. Жуннинг намлиги унинг гигроскопик хусусиятларига жуда боғлиқ. Жун гигроскопиклиги унинг ҳаводан сувни ютиш қобилиятидир. Шунинг учун жун толалари намлигининг товуш сигналининг ўтишининг таъсири ўрганилиб, натижалари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Намуналарнинг йўғонлиги, массаси ва намлигининг ПАМ-1 қурилмада кўрсатиши

№	Қўй зотларининг тури	Тола диаметри, мкм	Қурилманинг кўрсатиши, мВ								
			Намуна массаси, грамм								
			8			9			10		
			Намуна намлиги,%			Намуна намлиги,%			Намуна намлиги,%		
			7	12	17	7	12	17	7	12	17
1.	Гиссарская	29	1206	1205	1203	818	893	911	594	615	664
2.	Қарақульская	33	1324	1441	1716	1108	1341	1499	882	976	1283
3.	Помесная	44	1666	1517	1738	1552	1602	1654	1440	1345	1517

4-жадвалда кўрсатилган маълумотлар жуфтлиги ўртасидаги муносабатлар шаклини ўрганиш учун регрессия таҳлили ўтказилди, 5-жадвалда маълумотлар жуфтларининг боғлиқлигини тавсифловчи полином регрессия моделлари тенгламаси шаклида тақдим этилди ва детерминация коэффитциентлари энг катта қийматларга эга эканлиги аниқланди.

5-жадвал

Регрессия таҳлилининг хулосаси

Намуна массасида баҳолаш учун жуфтли маълумотлар, г.	Параметрлари	
	Модел тенгламаси	Детерминация коэффитциенти, R ²
7 % намликда		
8	$Y=30,809x+309,73$	$R^2=0,9999$
9	$Y=-2,1424x^2+205,33x-3334,5$	$R^2=1$
10	$Y=-1,4114x^2+159,43x-2842,2$	$R^2=1$
17 % намликда		
8	$Y=-8,3839x^2+647,65x-10528$	$R^2=1$
9	$Y=-8,8674x^2+696,86x-11840$	$R^2=1$
10	$Y=-8,8985x^2+706,46x-12340$	$R^2=1$

Олинган регрессия тенгламаларининг сифати корреляция коэффиценти (R^2) квадратига тенг бўлган яқинлашув ишончилиги (аниқлаш коэффиценти) қийматидан фойдаланган ҳолда баҳоланди. У унинг ўзгарувчанлиги (маҳсулли хусусият) қай даражада x нинг ҳатти-ҳаракати (омил белгиси) билан изоҳланганлигини, яъни унинг умумий ўзгарувчанлигининг қанча қисми x -нинг ўзи таъсирдан келиб чиққанлигини кўрсатади. Бу кўрсаткич корреляция коэффицентини оддийгина квадратлаш йўли билан ҳисобланади. Шундай қилиб, $1 - R^2$ ифода билан аниқланган ундаги ўзгарувчанликнинг нисбати ноаниқ омиллар таъсирида келиб чиқади. Регрессион таҳлили натижасида қуйидаги хулосаларга эришилди: -товуш сигнали омиллари ва жун толалари намуналари диаметри ўртасида кучли боғлиқлик кузатилди, намлик миқдори 17% ва жун толаларининг ингичкалигини аниқлаш коэффиценти мос равишда: 29 микрон, 33 микрон, 44 микрон - $R^2 = 1$, унинг қиймати жами 100% товуш импульсидаги вариациялар омилнинг ўзгариши - жун толалари диаметр ўлчамига боғлиқлигини кўрсатади.

Ҳозирги вақтда сифатни назорат қилиш ва диагностиканинг бузилмайдиган усулларига асосланган экспресс усуллар билан жун толаларининг сифат хусусиятларини баҳолаш учун қурилмалар яратиш муаммоси долзарб аҳамият касб этмоқда.

Диссертациянинг **“ПАМ-1 қурилмасининг ишлашини текшириш ва унинг параметрлари билан жун толаси хоссалари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш”** деб номланган **IV боб**ида акустик қурилмадаги ўлчов камерасининг геометрик ўлчамлари ва намуна массасининг ингичкалигига таъсири ўрганилди, жун толаси параметрлари билан товуш сигналининг ўтиши ўртасидаги боғлиқлик математик режалаштириш тажрибаси усулида, товуш тебранишларини сусайтириш тўлқинининг функционал боғлиқлиги ва тўлқин диаметри ўрганилди.

Жун толасининг диаметрини ўлчаш имкониятини ўрганиш учун қурилманинг ўлчаш камерасига жойлаштирилган жун тола намунаси орқали ўтадиган товуш тебранишлари жараёни таҳлил қилинди. Текис товуш тўлқинлари толали намунадан ўтганда тола юзасига ишқаланиш натижасида энергия йўқолади, бу эса товуш тебранишлари амплитудасининг ўзгаришига ва товуш тўлқинларининг фазавий силжишига олиб келади.

Шу мақсадда товуш тебранишларининг сўнгиш коэффиценти α ва жун толасининг диаметри ўртасидаги функционал боғлиқликни келтириб чиқаради.

$$d = \frac{B \cdot \ell}{\ln \frac{U_0}{U}} l, \quad (1)$$

Олинган жун толаларининг диаметрига боғлиқлиги уни акустик қурилмасининг чиқиш сигналининг интенсивлигини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаш имконини беради. Ўлчов камерасининг геометрик ўлчамлари ва намуна вазнининг жун толасининг ўртача диаметрига таъсири ўрганилди, унинг натижалари 6 ва 7-жадвалларда кўрсатилган.

6-жадвал

Намуна массасининг қурилманинг чиқиш параметрига таъсирини ўрганиш бўйича экспериментал маълумотларнинг натижалари жун толаларининг диаметри 24 - 36 мкм ўлчов оралиғида

№ п\п	Қўй зотларининг тури	Жун толасининг намуна массасида қурилманинг кўрсатиши, мВ					ГОСТ 17514-93 бўйича ўртача диаметри, мкм
		3	3,5	4	4,5	5	
1.	Туя жунидан 1-танлаш	845	948	1021	1081	1131	24
2.	Туя жунидан 2-танлаш	899	1001	1076	1138	1182	25
3.	Туя жунидан 4-танлаш	954	1047	1126	1206	1262	25,7
4.	Ингичка эчки жуни	1136	1187	1280	1361	1417	29,6
5.	Қора қўй жунидан 1-танлаш	1189	1263	1346	1422	1471	31,7
6.	Ялтироқ қўй жунидан 1-танлаш	1308	1378	1454	1529	1573	35,3

7-жадвал

Намуна массасининг қурилманинг чиқиш параметрига таъсирини ўрганиш бўйича экспериментал маълумотларнинг натижалари жун толаларининг диаметри 36 - 45 мкм ўлчов оралиғида


№ п\п	Қўй зотларининг тури	Жун толасининг намуна массасида қурилманинг кўрсатиши, мВ					ГОСТ 17514-93 бўйича ўртача диаметри, Мкм
		3	3,5	4	4,5	5	
1.	Қўй жуни 3 танлови	1341	1449	1522	1588	1632	36,3
2.	Эчки жуни 4 танлови	1463	1551	1609	1645	1678	38,9
3.	Туя жуни 3 танлови	1590	1700	1754	1803	1830	42,0
4.	Дағал эчки жуни	1625	1715	1774	1818	1852	43,7
5.	Эчки жуни 5 танлови	1683	1754	1808	1852	1884	45,0

Стандарт оғишларнинг қийматлари, 6 ва 7-жадвалларда келтирилган бўлиб, экспериментал ва назарий жиҳатдан олинган диаметрларнинг қийматларини фарқланиши солиштириш йўли билан ҳисоблаб чиқилган ва натижалари 8-жадвалда келтирилган бўлиб, бунда 24-31,8 мкм бўлган жун диаметрларнинг диапазонлари учун - 0,267 мкм гача; жун диаметри 36,3-45 мкм учун - 0,249 мкм ташкил этди.


Жун толасининг диаметрини стандарт ва хисобий қийматлари

Чиқиш сигнали, мВ	Чиқиш сигналини логарифми LnU	Жун толасини диаметри стандарт услугида аниқланган қиймати, мкм	Жун толасини диаметри хисобий қиймати, мкм	Диаметрлар бўйича фарқи	Диаметрлар бўйича фарқини квадрати
934,5	6,84	24,0	24,19	0,19	0,0361
963,5	6,87	25,0	24,86	-0,14	0,0196
1000,0	6,90	25,7	25,72	0,02	0,0004
1150,5	7,05	29,6	29,60	0	0
1138,0	7,04	29,7	29,26	-0,44	0,1936
1155,0	7,06	30,0	29,73	-0,27	0,0073
1233,5	7,012	31,7	31,99	0,28	0,0841
1240,0	7,12	31,8	32,19	0,39	0,1521
1375,5	7,23	35,3	35,43	0,13	0,0169
1413,0	7,25	36,3	36,31	0,01	0,0001
1513,4	7,32	38,9	38,77	-0,13	0,0169
1620,0	7,39	42,0	41,56	-0,44	0,1936
1699,8	7,43	43,7	43,79	0,09	0,0081
1754,0	7,47	45,0	45,37	0,37	0,1369

6 ва 7-жадвалларда келтирилган ўлчов камерасининг турли баландликлариди чиқиш сигналининг ўлчанган қийматлари натижаларининг ўртача қийматларига асосланиб, чиқиш сигнали қийматининг параметр x ва камеранинг баландлик ℓ ка боғлиқлиги жун диаметрининг турли қийматларига эга бўлган тола намуналари учун графиги чизилган, улар 2 ва 3-расмларда график ва тенгламалар кўринишида келтирилган. Бу ерда индексда жун толаси диаметрининг қиймати кўрсатилган.



2-расм. Жун толаси диаметри 24-36 мкм бўлган диапазони учун чиқиш сигнални x параметрига боғлиқлиги.



3-расм. Жун толаси диаметри 36-45 мкм бўлган диапозони учун чиқиш сигнални x параметрига боғлиқлиги.

2 ва 3-расмларда олинган график ва тенгламалардан кўриниб турибдики, чиқиш сигналнинг $\ln U$ логарифми билан ўлчаш камерасининг баландлигига боғлиқ бўлган x параметр ўртасида чизикли боғлиқлик мавжуд. Ҳар хил диаметр қийматларига эга бўлган барча намуналар учун олинган боғлиқликларни яқинлаштириш коэффициенти $R^2 = 0,98$ ошиб кетади, бу формула бўйича назарий хулосалар $\ln U = C_0 - C_1 \cdot x$ ва экспериментал натижалар ўртасида яхши мувофиқлигини мавжудлигини кўрсатади.

Ўлчов камераси баландлигининг 1 см ўзгаришидан келиб чиқадиган хатолиги қуйидаги келтирилган нисбати билан аниқланади:

$$\frac{\Delta d}{\Delta l} = \frac{\frac{\partial \ln U}{\partial l}}{\frac{\partial \ln U}{\partial d}} = \frac{C_1(-1) \cdot d^2}{a_1(1,645l-1)^2} = -\frac{0,0646 \cdot C_1 d^2}{a_1} \quad (2)$$

бу ерда: C_1 — тенгламада x параметр олдидаги параметр; a_1 — жун толасининг массаси $m=10$ г бўлганида ПАМ-1 қурилмасида калибрлаш боғлилиги коэффициентини, жун толаси диаметри 24-36 мкм бўлганда - 27,525, ва жун толаси диаметри 36-45 мкм бўлганда -39,297.

d , a_1 , қийматларини (2)-чи тенгламага қўйилган ҳолатда, 9-жадвалда камера баландлигининг ўзгариши ҳисобига келиб чиққан хатоликларни ҳисобланган қийматини оламиз.

9-жадвалдаги ҳисоб-китоб маълумотларидан кўриниб турибдики, жун диаметри (24-36) мкм ўлчов оралиғида камера баландлигининг 1 см ($\frac{\Delta d}{\Delta m}$) га ўзгаришидаги хатолик жун диаметри қиймати ўсиши билан хатолик ортади, демак $d = 24$ мкм да - 5,59 мкм / см ва диаметри $d = 35,3$ мкм бўлганда 7,86 мкм / см.

Камера диаметрининг ўзгаришидаги хатолиги ҳисоблаш

Жун диаметри, мкм	Коэффициент C_1	Коэффициент a_1	Хатолик $\frac{\Delta d}{\Delta \ell}$, мкм / см
24	- 4,138	27,525	5,59
25	- 3,9186		5,75
25,7	- 4,0093		6,21
29,6	-3,4149		7,02
35,3	- 2,6881		7,86
36,3	-2,8058	39,297	6,07
38,9	-1,9463		4,84
42,0	-1,9998		5,80
43,7	-1,8615		5,84
45,0	-1,6152		5,38

ПАМ-1 қурилмасининг конструкцияда камера баландлигининг номинал қийматдан 0,1 мм га оғиши учун рухсат этилган чегара таъминланган. Бундай ҳолда, ўлчов диапазонининг кўрсатилган нуқталари учун камеранинг баландлигини ўрнатишнинг нотўғрилигидан келиб чиқадиган жуннинг диаметрини бўйича ўлчашдаги хатолик мос равишда 0,056 мкм ва 0,079 мкм ни ташкил қилади.

Жун диаметри (36-45) мкм ўлчов оралиғида камера баландлигининг 1 см ($\frac{\Delta d}{\Delta m}$) га ўзгаришидаги хатолик жун диаметри қиймати ўсиши билан хатолик камайяди, демак $d = 36,3$ мкм да - 6,07 мкм / см ва диаметри $d = 45$ мкм бўлганда 5,38 мкм / см.

ПАМ-1 қурилмасининг конструкцияда камера баландлигининг номинал қийматдан 0,1 мм га оғиши учун рухсат этилган чегара таъминланган. Бундай ҳолда, ўлчов диапазонининг кўрсатилган нуқталари учун камеранинг баландлигини ўрнатишнинг нотўғрилигидан келиб чиқадиган жуннинг диаметрини бўйича ўлчашдаги хатолик мос равишда 0,061 мкм ва 0,054 мкм ни ташкил қилади.

Худди шу тартибда, ўлчов камерасининг диаметрининг номинал қийматдан ўзгаришидан жуннинг диаметрини ўлчаш хатосининг компонентини тахмин қилиш мумкин. Берилган параметрларни $m = 10$ г ни келтирилган тенглама (3) киритилса, (3) тенглама (4) кўринишга эга бўлади:

$$x = \frac{\ell}{\left(\frac{\rho \pi \varphi^2 \ell}{4m} - 1 \right)} \quad (3)$$

$$x = \frac{\ell}{(1.645\ell - 1)} \quad (4)$$

Қуйидаги берилган қийматларда $m = 10$ г, $\rho = 1,31 \text{ g / sm}^3$ ва $\ell = 3$ см, (5)-чи тенгламани ҳосил қилинади:

$$x = \frac{3}{(0,3085\phi^2 - 1)} \quad (5)$$

(5) ифодани ўрнига қўйиб, ҳосил бўлган тенгламани $\ln U = C_0 - C_1 \cdot x$ дифференциаллаш орқали қисман ҳосила $\frac{\partial \ln U}{\partial \phi}$ ни топамиз. Ўлчов камерасининг диаметрини 1 см га ўзгартиришдан олинган хатолик нисбати билан аниқланади:

$$\frac{\Delta d}{\Delta l} = \frac{\frac{\partial \ln U}{\partial \phi}}{\frac{\partial \ln U}{\partial d}} = \frac{C_1 \cdot 1,851 \cdot \phi \cdot d^2}{a_1 (0,3085 \cdot \phi^2 - 1)^2} = -\frac{0,478 \cdot C_1 d^2}{a_1} \quad (6)$$

Хатоликларни ҳисобланган қийматлари 10-жадвалда келтирилган.

10-жадвал

Камера диаметрининг ўзгаришидаги хатолиқ ҳисоблаш

Жун диаметри, мкм	Коэффициент C_1	Коэффициент a_1	Хатолик $\frac{\Delta d}{\Delta \phi}$, мкм /см
24	- 4,138	27,525	41,39
25	- 3,9186		42,53
25,7	- 4,0093		45,98
29,6	-3,4149		51,95
35,3	- 2,6881		58,17
36,3	-2,8058	39,297	44,97
38,9	-1,9463		36,81
42,0	-1,9998		42,90
43,7	-1,8615		43,24
45,0	-1,6152		39,78

Қурилма учун техник топшириқда камера диаметрининг оғиши учун рухсат этилган чегара 0,039 мм деб белгиланган. Шунда, аниқланган хатоликлар Δd жун диаметри 24 мкм бўлган - 0,16 мкм, жун диаметри 36 мкм бўлган ҳолатда - 0,23 мкм, жун диаметри 45 мкм бўлса хатолик 0,16 мкм ташкил қилади, нисбий хатолик эса 0,35 -0,6% га тенг бўлади. Олинган натижалар жун толаларининг ўртача диаметрини ўлчашда акустик қурилманинг метрологик параметрларини аниқлаштириш учун ишлатилади.

Бундан ташқари, жун толасининг ўртача диаметри қийматига намуналар массасининг таъсири ўрганилди. Шу билан бирга, товуш сигналининг жун толаларининг танланган намуналари массасининг ўзгариши ўрганилди.

Шунингдек, синов намуналарининг массаси бўйича ўзгаришининг жун диаметрини ўлчаш натижаларига таъсири ва ушбу параметрнинг ўзгаришидан ўлчаш хатоларининг таркибий қисмини баҳолаш масаласини кўрилган.

Берилган параметрлар $m = 10$ г, $\rho = 1,31 \text{ г} / \text{см}^3$, $m = 4 \text{ см}$ эътиборга олган ҳолда (3)-чи тенглама қуйидаги қурилишда бўлади :

